

О'zbekiston Respublikasi  
Xorazm viloyati  
Boғot tumani  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
ХОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 478а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Ахмедов Олимбой  
Сафарбаевичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб  
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи фуқаро Ахмедов Олимбой Сафарбаевичнинг “Ўзбекистон” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 17 январдаги ХО-А-126-сонли аризасини, “Ўзбекистон” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 17 январдаги № 177-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот туман ҳокимининг 2004 йил 7 июндаги № 222-сонли қарорига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:


1. Боғот тумани “Ўзбекистон” маҳалласида жойлашган 7 (етти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 55,65 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 129,0 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 184,65 квадрат метр, қурилиш ости майдони 240,9 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1011,0 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 411,0 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Ахмедов Олимбой Сафарбаевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Ахмедов Олимбой Сафарбаевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 411,0 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Ахмедов Олимбой Сафарбаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**